
ФАРҒОНА МАРТ ОЙИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ КУБОГИ-2023 (U20) БАҲСЛАРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Жорий йил 1-18 март кунлари мамлакатимизда футбол бўйича Осиё Кубоги-2023 (U20) финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтади.

Беллашувлар Тошкентдаги “Бунёдкор”, “ЖАР”, “Локомотив” ҳамда Фарғонадаги “Истиқлол” ўйингоҳларида ўтказилади.

"А" гуруҳи: Ўзбекистон, Индонезия, Сурия, Ироқ

"В" гуруҳи: Қатар, Австралия, Вьетнам, Эрон

"С" гуруҳи: Корея Республикаси, Тожикистон, Иордания, Уммон

"D" гуруҳи: Саудия Арабистони, Япония, Хитой, Қирғиз Республикаси.

Фарғонадаги “Истиқлол” ўйингоҳида Осиё Кубогининг 6 та учрашуви ўтказилиши режалаштирилган:

“В” гуруҳидаги барча ўйинлар (Қатар-Австралия учрашувидан ташқари) ҳамда "А" гуруҳининг Ўзбекистон-Индонезия беллашуви.

1 март куни Австралия-Вьетнам (15:00) ҳамда Қатар-Эрон (19:00) жамоалари “Истиқлол”да майдонга чиқишади.

4 март куни Фарғонада Эрон-Австралия (15:00) ҳамда Вьетнам-Қатар (19:00) учрашувлари бўлиб ўтади.

7 март куни дастлаб Вьетнам-Эрон (15:00) жамоалари беллашувига гувоҳ бўлсак, соат 19:00 да Ўзбекистон терма жамоамизнинг Индонезияга қарши учрашуви бўлиб ўтади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-17 19:19:12